

ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ—ЭЗГУ МАҚСАДИМИЗ

Тирик, мағрур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!



Ватан ягонадир,
Ватан биттадир

1943 йил 6 марта бошлаган

2023 йил—Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили

Ассалому алайкум, азиз муштари!

ISTIQBOL YO'LII

Кўштепа туманинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol.43@mail.uz

2023 йил 27 феврал № 7 (8449)

Муҳим ахборотлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга имзо чекди.

2023 йил 1 апрелдан бошлаб умумий қуввати 100 кВтгача бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатган жисмоний ва юридик шахслар ушбу қурилмалар бўйича молмул солиги, қурилмалар билан банд бўлган участкалар бўйича ер солиги ҳамда юридик шахслар томонидан умумий тармоққа сотган электр энергияси учун олган фойдасидан хисобланадиган фойда солигини тўлашдан улар фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан уч йил муддатга, ўрнатилаётган қўёш панелларининг қувватига нисбатан 25 фоиздан кам бўлмаган қувватга эга электр энергиясини сақлаш тизими билан ўрнатилган бўлса – ўн йил муддатга озод этилади;

2023 йил 1 марта бошлаб ягона электр энергетика тизимига уланиш учун берилган техник шартларда кўрсатилган қувватдан юқори бўлмаган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари электр тармоқларига улашда кўшимча техник шарт олиш талаб этилмайди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигига соҳа ва худудларда рақамлаштириш жараёнини жадаллаштириш масалалари юзасидан видеоселектор йигилиши ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сисининг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлиб қайтди.

Давлатимиз раҳбари "Қишлоқ хўжалигида аҳоли бандлигини ошириш ва ер участкаларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилди.

УШБУ **2*** "Истиқбол йўли" танишиширади
СОНДА: * Янги етакчи сайланди

3* Мақсад қатъий бўлса...
* Жамиятнинг фаол аёли бўлиш осонми?

4* Сабоқ бекати
* Аҳли дониш дейдиларки
* "Харир туйгулар"
* Билиб қўйган маъқул

Яқун ва режалар: ҳоким билан сұхбат

ЮТУҚЛАР ОСМОНДАН ТУШИБ ҚОЛМАЙДИ

У ҳамжиҳатлик билан қилган самарали меҳнат ортидан келади

Вакът югурик, мана, "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"нинг ҳам иккинчи ойи ниҳоялаб боряпти. Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил поёнида Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида илгари сурилган вазифаларни қамраб олган давлат дастури тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони лойиҳаси 6 февралдан 17 февралгача давом этди. Кўзланган мақсадлар, халқ, манфаати йўлида амалга ошириладиган режалар кўлами кенг. Хуш, ўттан – "Инсон қадрини улуғлаша ва фаол маҳалла йили" туманимизда қандай из қолдирди, унинг мантиқий давоми бўлган жорий йилдаги улуғвор мақсадлар нималардан иборат? Уларнинг рӯёби учун белгиланаётган ҳаракат дастурлари ижросини таъминлашда олдинда турган вазифалар ижросини таъминлаш кимга ва нималарга боғлиқ?

Туман ҳокими Илёсбек НОВИКОВ билан қилган сұхбатимиз ана шу саволлар атрофига борди.

— Сұхбатимиз аввалида туманда иктиносидёт соҳасидаги ўтган йилги натижаларга бир назар ташласак. Назаримда, соҳада бултурги натижалар анча салмоқли ва эътирофга лойиқ бўлди. Бу, туманинг йил якунларига оид маълумотлардаги рақамлар, умуман, туман ҳаётида ҳам кўриниб турибди.

— Гапингиз тўғри, ҳар қандай ютуқ ва камчиликлар ҳақида рақамлар "гапиради", реал ҳаёт эса уни исботлаб қўяди.

Президентимизнинг Мурожаатномаси, шу кўрсатмалар асосида "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" учун белгилаб олаётган дастурларимиз мақсадларни рӯёбга чиқариш шу юртнинг фуқаросиман, деган ҳар биримиздан аниқ мақсад билан, машақатлардан қочмай меҳнат қилишини тақозо этади.

Сұхбатимиз ўтган йилги иктиносидой кўрсаткичлар таҳлилидан бошланар экан, бир пайтлар саноат ишлаб чиқариши деярли йўқ бўлган Қўштепада кейинги йилларда бу соҳа жадал суръатлар билан ривожланаётганини айтишдан мумнунман. Очигини

айтаман, гарчи аграр соҳа халқни едириб, тўйдирса ҳам, саноат ишлаб чиқариши ривожланмаган худуднинг тараққий этиши қийин кечади. Бу, исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Шу маънода туманимиз ҳам саноати ривожланган худудлар қаторига кириб бораётгани қуонарлидир. Бултур туманда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1 465,5 миллиард сўмга етказилди. Бу, аҳоли жон бошига 7,3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, режа 120,4 фоизга бажарилди, демакдир.

(Давоми 2-бетда.)

Меҳнат ярмаркасида

ИШГА ЖОЙЛАШМОҚЧИМИСИЗ, МАРҲАМАТ



Суратда: туман ҳокими Илёсбек Новиков бошчилигига сектор раҳбарлари бўш иш ўринлари маълумотлари билан танишимоқдалар. Баҳтиёржон РЎЗИОХУНОВ олган сурат.

"ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИ"
ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ
БИЛАН АЛОҚАДОР
ТАШКИЛОТ, МУАССАСА
ВА МУШТАРИЙЛАР
ДИҚҚАТИГА!

Таҳририят давлат унитар корхонаси шаклига ўтганлиги муносабати билан унинг ҳисоб рақами ўзгарганлигини маълум қиласиз:

Марказий банк Тошкент ХККМ Ҳисоб рақами:
23402000300100001010. МФО: 00014, ИНН: 201122919
ШХР 470010860302067011204018001, ИНН: 200178144.
МУҲАРРИИЯТ

Туман сектор раҳбарларининг ташаббуси билан ўтказилган навбатдаги меҳнат ярмаркасида соғлиқни сақлаш, мактабгача, халқ таълими бўлимлари, хусусий корхоналар томонидан 330 та иш ўринлари тавсия этилди. Меҳнат ва бандлик маркази олдида ўтказилган ярмаркада ҳозир бўлган иш сўровчилярнинг 15 нафарига ўзлари танлаган иш ўрнига йўлланма берилди. "Аёллар дафтари" рўйхатидаги 45 нафар хотин-қиз ўз хоҳишига кўра, касб-хунарга ўқитиш марказларига юборилди, ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Якун ва режалар: ҳоким билан сұхбат

ЮТУҚЛАР ОСМОНДАН ТУШИБ ҚОЛМАЙДИ

(Давоми,
Бошланиши 1-бетда)

Бошқа соҳаларда ҳам бултур ёмон натижаларга эришмадик. Халқ истеъмоли товарлари, кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам режадагидан анча ошириб адо этилди. Капитал қўйилмалар ҳажми кўзланганидан икки баравар зиёди билан ўринлатилди. Курилиш ишлари режаси 132 фоизга етказилганлиги ҳам бу борадаги ишлар кўламини кўрсатиб турибди. Чакана савдо айланмаси, жами хизматлар бўйича ҳам аввалги йилдаги натижалардан бирмунча ўзбек кетилди ва вилоятдаги улушимиз ҳам шунга яраша кўтарилиди. Аммо пахтачиликда олдинда турган мэррага эришиш қийин кечганини яширмайман. Дехқончиликда бир кунлик кечикиш йилларга татииди, деб бежиз айтмаганларда. Бу, фермер хўжаликлари раҳбарларига сабоқ бўлади, деган умиддаман.

Иқтисодий кўрсаткичларнинг барчasi тадбиркорлик ҳаракатини кенгайтириш, уларга қулай инвестицион шароитлari, иш ўринлари яратиш билан боғлиқ, албатта. Хабарингиз бор, бултур давлатимиз раҳбари 12-13 май кунлари Фарғонага ташрифлари чоғида берган топшириқларига кўра, ўтган ва жорий йил давомида туманимизда салкам 300 миллиард сўм ҳажмда 54 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши натижасида 1204 та иш ўринлари яратилиши режалаштирилган. Ўтган йилнинг ўзида уларнинг 38 таси ишга тушрилди ва 765 та та янги иш ўринлари яратилди.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндошув механизmlарини жорий этиш тўғрисида" ги қарори иловаси асосида туманимизнинг "Оқтепа" кичик саноат зонасининг 18 гектар майдонида ташкил этилган "Fergana Global Infinity" ма-съулияти чекланган жамият ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бултур қиймати 1,3 триллион сўм (шундан, 513,4 миллиард сўм ташаббускор маблағлари ва 74,9 миллион доллар ҳорижий инвестиция маблағлари) бўлган "Текстил ва тўқимачилик фаолиятини ташкил этиш" лойиҳасини ишга тушриш учун кенг кўламда қурилиш ишлари олиб борилди. Бугунги кунда лойиҳанинг биринчи навбатини ишга тушриш учун жами 142 миллион доллар сарфланиб, 1500 та янги иш ўринлари яратилди.

Хориждан келтирилган энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган улкан ишлаб чиқариш мажмуаси ҳақиқатан

ҳам туманимиз саноат ишлаб чиқаришининг, вилоятимиз пахта-тўқимачилик соҳасининг чинакам драйверига айлануб улгурди. Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбари шу йилнинг 2 феврал куни Фарғонага ташрифи чоғида корхона фаолияти билан атрофлича танишиди. Таъсисчи Музаффаржон Раззоқов билан сұхбатлашиб, яқин келажакда 3000 иш ўрнига эга бўладиган мажмуа дунё бозорига рақобатбардош, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали нафақат вилоят, балки мамлакат миқёсида ҳам экспорт салоҳияти, ишлаб чиқариш маданияти юқори дарражадаги корхонага айланишига ишонч билдириди. Ишончни оқлаш эса машаққатли ва самарали меҳнатни талаб этишини тадбиркорлар жуда яхши биладилар. Бу ерда иш мароми шунга яраша давом этмоқда.

Ўтган йили туманимизнинг "Истиқбол" маҳалла фуқаролар йиғини худудида ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қадоқлашга ихтисослашган "Голд прогресс" масъулияти чекланган жамията фаолияти самарали давом этмоқда. "Сардоба кўза пласт" хусусий корхонасида пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш лойиҳаси кенгайтирилди. Кичик саноат зоналарида иш бошлаган тадбиркорлар ҳам пойабзалдан тортиб, майший буюмлар, курилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини йилдан-йилга кўпайтиришга ҳаракат қўлмоқдалар.

Бултур туманимизда пилла, фалла, пахта, мева, сабзавот, полиз, чорвачилик маҳсулотлари етишириш ва сотиша ҳам кўзланган мэрраларга эришилди. Интенсив боғлар яратиш орқали мевачиликни ривожлантириш имкониятлари кенгайиб боряпти. Қорамолчилик, балиқчилик, паррандачилик, күёнчиликни барқарор ривожлантиришининг резервларини излаб топишда маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган ёрдамчиларининг ташаббуси ва ташкилотлигига таянгизмиз. Уларнинг ҳаракатлари билан маҳаллаларда бу тармоқлар аста-секин тараққий этиб бораёттир.

— Иқтисодий тараққиёт одимлари қишлоқларнинг инфратузилмаси, ижтимоий тармоқлар ривожи, одамлар турмуш тарзида акс садо беради, шундай эмасми?

— Албатта. Йил номидан келиб чиқиб, дастлаб таълим муассасалари ҳолатига тўхтальсан. Зоро, Мурожаатномада жадид боболаримиз ҳикматларидан "Нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – билимда. Чунки, барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади" деган сатрлар бежиз келтирилмади. Ҳақиқатан ҳам бизнинг умидли эртамиз бўлган авлод бугун мактабгача таълим ва мактабда таълим-тарбия олмоқдалар. Хабарингиз бор,

кейинги йилларда болаларни мактабгача таълимга жалб қилишга, улар қайси йўналишда фаолият кўрсатмасин, жиддий эътибор қаратилди. Мактабгача таълим ташкилотлари асарияти таъмирланган, зарур воситалар билан таъминланган. Ҳозирда туманимиздаги 167 та муассасага 13 мингдан ортиқроқ болажонлар қамраб олинган ва бу кўрсаткич 84 фоизга етказилди. Эндиғи вазифамиз қолган 3344 нафар болаларни ҳам таълим ташкилотларига жалб қилиш чорларини кўришдан иборатдир. Бу осон кечмайди, аммо яқин келажакда юз фоиз қамровга эришишимиз зарур.

Мактаб ҳақиқатан ҳам таълим-тарбиянинг ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган ўчоғи. Тўғрисини айтиш керак, гарчи ихтисослаштирилган мактабларда сифатли таълимга эътибор берилётган бўлса-да, умумтаълим мактабларида бу муҳим ишга юзаки қараладиган бўлиб қолганди. Мурожаатномадан ҳам кўриниб турибдики, эндиғи мақсад бу камчиликни баҳамжихатлиқда бартараф этишига қартиляпти. Бугун туманимиздаги 51 та мактаблар айримларида ги шарт-шароитилар шаҳарлардагидан қолишмайди. Улар нафақат давлат дастурлари асосида, балки маҳаллий бюджетларга берилган имкониятлардан келиб чиқиб таъмирланяпти, зарур моддий қўмаклар бериляпти.

Туманимизда ҳам ўтган йили Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидағи Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлигининг муассасаси очилиши, ўйлайманки, бу борада қўйилаётган дастлабки қадамнинг намунасидир. Бу ерда бўлган одам мактабга давлатимиз кўрсатаётган эътибор ва фамхўрликдан фурурланади. Эндиликда бундай мактаблар тажрибаларини "Замонавий мактаб лидерларни нигоҳида" лойиҳаси доирасида барча умумтаълим мактабларига тарқатиш чоралари кўрилаётгани айни мудда бўлди. Ўйлайманки, туманимизда ўтган семинар-тренингда қатнашган мактаб директорлари таълим сифатини оширишнинг энг мақбул йўлларини излаб топишга ҳаракат қиласидар.

Мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларда таълим сифатини ошириш энг аввало жамоаларнинг вижданан ишлашига боғлик. Юртимизнинг эртасига дахлдор авлодни тарбиялаётган ўқитувчи ва мураббийлар соҳага киритилаётган инвестицияларни оқлаш йўлида замон руҳига монанд фаолият кўрсатишлари зарур. Мен бунда жамоатчилик назорати ҳам муҳим рол йўнашини алоҳида таъкидламоқчиман. Бунда сиз, матбуот ходимларининг ўрнингиз жуда зарур. Шунингдек, ота-оналар, маҳалла, бутун жамоатчилик таълим сифати учун қайғур-

сагина бу олижаноб мақсадга эришилади.

Саломатлик муассасалари фаолияти самарасини ошириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тиббий хизматни ахолига яқинлашириш, соғлом турмушни тарғиб қилиш борасида ҳам бултур кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Бу ҳақда матбуотда аник рақамлар, таҳлиллар асосида кўп ёритилган. Аҳоли саломатлиги энг катта бойлигимиз экан, унинг муҳофазаси учун зарур барча имкониятларни яратишга интилаверамиз.

Бултур Президентимиз қарори асосида Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт ўюшмаси ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки иштирокида "Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида танлаб олинган 26 та фуқаролар йигинларида олиб борилаётган ишлар ҳаммамизнинг кўз ўнгимизда давом этмоқда. Лойиҳа асосида ги инфратузилмавий ривожи учун келгуси йилни ҳам кўшганда тўрт йил ичиди 15 миллион 750 минг АҚШ доллари, яни 165, 1 миллиард сўм ҳажмдаги маблағ ўзлаширилди. Ички йўлларни асфалтлашириш ва шағаллашириш, ирригация тармоқларини таъмирлаш, тунгри ёритикч ва таянч устунлари, трансформаторлар ўрнатиш, электр тармоқларини тортиш ва алмаштириш, уяли алоқа стансиялари куриш, мактаблар ва мактабгача таълим ташкилотлари, тиббиёт муассасаларини таъмирлаш ва ҳоказо бунёдкорлик ишлари белгилаб олинган йўл харитаси асосида олиб бориляпти. Албатта, бу ҳаракатлар қишлоқ аҳли турмуш даражасини сезиларли кўтараётганига гувоҳмиз.

Шунингдек, Президентимизнинг 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилашга қаратилган қарорлари ижроини таъминлаш учун 27 та маҳаллага деярли 60 миллиард сўм маблағ ажратилиб, ўзлаширилмоқда. Қарор асосида жорий йилда 11 та маҳалла йигинларида қарийб 25 миллиард сўм ҳажмда ички йўлларни асфалтлаш чоралари кўрилмоқда. Қарор асосида жорий йилда 11 та маҳалла йигинларида қарийб 25 миллиард сўм ҳажмда ички йўлларни асфалтлаш чоралари кўрилмоқда. "Обод қишлоқ" дастури доирасидаги ишлар ижтимоий муассасалар, маҳаллалар ободлиги, демакки одамлар турмуш даражасини кўтаришнинг манбаи бўлиб хизмат килияпти.

Бир сўз билан айтганда, қишлоқ аҳлининг меҳнаткашлик фазилатига таяниб, ҳар бир хонадон аҳлининг ҳаётдан рози бўлиб, туманинг, шу юртнинг бирини-икки қилиш ҳаракатида фаол иштирок этиши, ҳар жиҳатдан соғлом турмуш кечириши, фарзандлари таълимни сифатига дахлдорликни хис этиши йўлида бор имкониятларни ишга соламиз. Мурожаатномада илгари сурʼилган вазифалар рўёби учун баҳажихатлиқда меҳнат қиласак, белгилаб олинган мэрраларимизга, албатта эришамиз.

— **Мазмунли сұхбатингиз учун раҳмат!**

**Сұхбатни Умидга
ХУДОЙБЕРГАНОВА
ёзиб олди.**

"ИСТИҚБОЛ ЙУЛИ"
ТАНИШТИРАДИ:



Туман ҳокимининг ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи

МАРЯМХОН ЙЎЛДОШЕВА

Марямхон Йўлдошева 1966 йили зиёлилар оиласида туғилган, миллати – ўзбек, маълумоти – олий. Фарғона политехника инситутини маший хизмат кўрсатиши ташкил этиш ва унинг иқтиоди ўналишида битирган. М. Йўлдошева меҳнат фаолиятини 1989 йили Марғилон шаҳар аҳолига маший хизмат кўрсатиши бирлашиши режалаштириш бўлими бошлиғи вазифасида бошланган. 1993-2016 йилларда Марғилон тијорат техники, иқтисодиёт коллежида етакчи мутахассис, кафедра мудири, бўлим мудири, бosh услугчи, директор ўринбосари, директор лавозимларида фаолият кўрсатди. Ҳозирги лавозимга тайинлангунга-ча Республика Маънавият тарғибот маркази Марғилон шаҳар бўлими бошлиғи вазифасида самарали фаолият кўрсатди. Оилали, уч нафар фарзанди, олти нафар набираси бор. Тумуш ўртоғи Марғилон шаҳридаги "Нур" фирмаси директори.

Аҳборот

ЯНГИ ЕТАКЧИ САЙЛАНДИ

Туман "Оқила аёллар" ҳаракати аъзоларининг ўтган даврдаги фаолиятига бағишиланган йиғилиши бўлди. Унда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳаракат етакчиси Юлдузхон Худоёрова қисқача маълумот берди. Ҳаракатнинг Мухаббатхон Мўйдинова, Кроматхон Умматқуловна, Ойтожихон Абдуқодирова сингари аъзолари жамоатчилик фаолияти таъчиришнинг янада ошириш юзасидан маҳаллалар, кўчалар кесимида ишлаш зарурлиги юзасидан амалий тақлифлар билдирилар. Туман ҳокимининг ўринбосари Марямхон Йўлдошева Юлдузхон Худоёровага туман ҳокими ташаккуронмасини топшириди. Йиғилиш иштирокчилари туман ҳаракати етакчилигига дехқон бозори директори Давлатхон Юсуповани сайладилар. Машваратда вилоят "Оқила аёллар" ҳаракати аъзоси Ҳадичаҳон Каримова иштирок этди ва оиласида ахримларнинг олдини олиш, соғлом маънавий муҳит яратиш, ўғил-қизларни турмушга тайёрлашда миллий қадриятларимизга кўпроқ таяниш зарурлиги, умуман, жамоат ташкилоти олдида турган энг муҳим вазифаларга эътибор қаратди.

Ўз мухбиримиз.

Ҳамкорлик

Халқ демократик партияси туман кенгashi билан ҳамкорликда қасб-хунар мактабимиз ҳамда педагогика колледжи жамоаси ва ўқувчилири иштироқида уюштирилган ижодий учрашув айни шу мавзуга бағишланди. Унда устоз журналист, вилоят "Оқила аёллар" ҳаракати аъзоси Хадичахон Каримова ҳаёти, ижоди ва жамоат фолиятига назар ташланди.



ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛ АЁЛИ БЎЛИШ ОСОНМИ?

Устоз ўқитувчи ва ўқувчиларнинг саволлари асосида ҳар қандай инсон шахс сифатида шаклланишида тарбияланган оиласий муҳитнинг, мактаб, таълимнинг кейинги босқичларидаги интилиш ва изланишининг аҳамияти, қийинчиликларни енгид ўтишда иродага суюниши зарурлигини ўз ҳаёт ва фаолияти мисолида сўзлаб берди.

—Айниқса, аёл учун жамиятнинг энг фаол аъзоси бўлиш осон эмас,—дейди устоз.—Оналик бурчи, у ёки бу соҳадаги фаолияти, уй-рўзгор юмушларидан ортиб, жамиятнинг "юки"га елка тутиш тоифамиз вакилидан фидойилик, матонат, қатъиятни талаб қиласи. Сафимизда, хусусан, сизларнинг жамоаларингизда ҳам бундай аёллар жуда кўп ва улар ҳақли равишда эл-юртнинг эътиборига сазовор бўлаётганларига кўплаб

мисоллар келтириш мумкин. Айтмоқчиманки, жамиятнинг фаол аёли бўлишга интилиш оиласдан бошланади. Аёл зоти борки, қўллаб-кувватлашга муштоқ. Энг аввало ота-она, устозлар, мустақил ҳаётда эса турмуш ўртоғининг мадади унга қанот баҳш этади.

Тадбирда иштирок этган ХДП туман кенгashi раиси Шавкатжон Шаропов жамият ҳамиша фаол аёлларнинг меҳрига, мадади ва салоҳиятига эҳтиёж сезишини таъкидлаб, даврада иштирок этаётган ёшларни фаолликка чорлади.

**Наргизахон ПЎЛАТБЕКОВА,
2-қасб-хунар мактаби директорининг маънавий-маърифий
ишлар бўйича ўринбосари.**

Ёшлар минбари

Болалик давримдан энг катта орзуларимдан бири офицер бўлиш эди. Йиллар ўтди, бу орзуимга эришиш учун Қуролли Кучлар Академиясининг курсантси бўлишни мақсад қилдим. Лекин биринчи уринишм мувффакиятсиз бўлди. Шунга қарамай, ота-онам менга ҳам руҳий, ҳам моддий томондан далда бериб, қўллаб-кувватладилар. Ваниҳоят, 2022 йили имтиҳонлардан ўтиб, Академияга қабул қилиндим! Бунинг учун менга сабоқ берган устозларимдан миннатдорман.

МАҚСАД ҚАТЪИЙ БЎЛСА...

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибида юқори малакали профессор ва офицер ўқитувчилар томонидан ўз мутахассисларига доир керакли билимларни олаяпман. Бундай нуфузли билим юртида таҳсил олаётганим, танлаган касбим ва юртимнинг тинчлигини ҳимоя қилувчилар сафида бўлишимдан фахрланаман.

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Боз Кўмандони Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари билан 2017 йил 25 апрел куни янгитдан барпо этилган Академия буғунги кунда юқори бўғин кўмандонлик офицерларини тайёрлаш ва Қуролли Кучлар таркибини ҳар томонлама етук малакали офицер кадрлар билан таъминлаш, мудофаа қурилиши соҳасида илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш бўйича энг зарур вазифаларнинг бажарилишида фоят мухим ўрин эгаллаб келмоқда. Ўқув масканимиз мамлакатдаги етакчи илмий таълим муассасаларида тўплangan фаолият тажрибасини ўзига камраб олган ҳолда, ҳарбий таълимнинг ягона тизимида асосий ўринни эгаллаб, том маънода ҳарбий илм-фан марказига айлангани айни ҳақиқатдир.

Академияда ёш офицерларни тайёрлаш, қўшиналарда хизмат ўтаётганлар малакасини ошириш,



шунингдек, бошқарув таркибидаги кўмандонлик кадрларини маҳсус тайёргарлиқдан ўтказиши ишлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Мазкур вазифаларни бажариш учун таълим жараёнига энг янги усул ва технологиялар жорий этилиб, ўқув аудиториялари замонавий тренажёрлар, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва компьютер техникини билан жиҳозланган.

Ватан ҳимоячиси бўлишга ва ўз тақдирини Ўзбекистон Қуролли Кучлари билан боғлашга аҳд қилган ёшларга тавсиям шундай: мақсадингиз йўлида интилишдан асло толманг. Мақсад қатъий бўлса, унга албатта эришасиз. Зоро, Ватан ҳимоячиси бўлишдан ҳам шарафли иш йўқ.

**Муҳаммадюсуп Йўлдошев,
Академия курсанти,
“Солижонобод” МФИ.**

**Сўраган экансиз:
ҳуқуқингизни билиб олинг**

АЪЗОЛИК БАДАЛИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

САВОЛ: микро, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари Савдо-саноат палатаси аъзолигига кириш бадаллари учун ҳозирги кунда тўлов мавжудми?

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 23 январдаги "Савдо-саноат палатаси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра, Савдо-саноат палатасига бир қатор ваколатлар берилиди. Палата, жумладан, аъзоларининг манфаатларини кўзлаб Олий судга ариши ҳамда иқтисодий, маъмурий, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта кўриб чиқиши юзасидан шикоят киритиши мумкин.

Шу йилнинг 1 февралидан микро, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари Палата аъзолигига, аъзолик ва кириш бадалларидан озод қилинган ҳолда, текин қабул қилинади.

Палата тадбиркорларнинг манфаатларини кўзлаб судларга тақдим этадиган ариза, даъволовлар ҳамда апелляция ва кассация шикоятлари бўйича давлат божи тўловларидан озод этилади.

**Акмалжон МАМАДАЛИЕВ,
туман адлия бўлими
бошлиғи.**

Ахборот-2023

КИБЕРЖИНОЯТ ҚУРБОНИГА АЙЛАНМАНГ!

Вилоятимизда шу йилнинг 13 февралдан 19 феврал кунига қадар "Кибермаконда содир этиладиган жиноятларга қарши курашиб ҳафталиги (Cyber Week)" ўтказилди. Ҳафталик доирасида "Банк картаси кодини ҳеч кимга бермайман", "Интернет тармоғидан ҳавфсиз фойдаланаман" мавзуларидаги ўқув-семинарларда аҳолининг мавзу юзасидан ҳуқуқий билимлари янада бойитилди.

Ҳафталик доирасида "Энг яхши монолог", "Энг яхши иншо", "Энг яхши шеър" йұналишлари бўйича танлов эълон қилинган бўлиб, ижодий ишлар вилоят ишчи гуруҳи томонидан бир жойда жамланниб, сараланди. Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида ҳафталиктарнинг энг мухим танлови – "Кибер ҳавфсизлик билимдонлари" интеллектуал ўйини юқори савияда ташкил этилди. Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур баҳсларда шаҳар-туманлардан келган 18 ёшдан 30 ўшгача бўлган билимдонлар иштирок этиб, ғолиблар учун кураш олиб бордилар. Ўйин ғолиблари эса ҳафталик якунида муносиб тақдирланди.

Вилоятимиздаги кўплаб таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар ҳамда маҳаллаларда соҳа мутахассислари иштироқида учрашувлар, давра сұхbatлари ташкил этилиб, кибержиноят тушунчаси, унинг келиб чиқишига шароит яратиб беради-



ган омиллар йиғилганларга аниқ мисоллар орқали етказилди.

Ана шундай тадбирлардан бири туманимиздаги "Global textile" корхонасида ҳам ўтказилиб, унда кибержиноятларнинг салбий оқибатлари ҳакида сўз ўритилди.

Тумандаги 12-умумтаълим мактабида ўтказилган тадбир ҳам ҳафталик доирасида ташкил қилинди. Унда мактаб ўқитувчилари, психологияр, маҳалла фоаллари ҳамда юқори синф ўқувчилари иштирок этиди. Тадбирда туман ички ишлар бўлими масъул ходимлари томонидан «Огоҳлик – давр талаби», «Кибержиноятлар қурбонига айланманг!» мавзуларида маъруза қилинди ва иштироқчиларнинг саволларига жавоб кайтарилди.

**Фолибжон МўМИНОВ,
туман ахборот кутубхонаси
директори.**

